**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**"Navoiyazot" АЖ**
**бошқарувчи раиси**
**_______ Б. М. Шарипов**
**"20" ___12___ 2016 йил**

**"Navoiyazot" акциядорлик жамиятининг 2017 йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"га бағишланган дастур ТАДБИРЛАРИ**

| т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Сарф-харажатлар (млн. сўм) | Молиялаштириш манбалари | Таклиф этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутиладиган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. Фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали механизмлари ва усулларини жорий этиш, барча даражалардаги ҳокимларнинг, прокуратура ва ички ишлар органларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимини амалиётга жорий этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш** | | | | | | |
| 1 | Барча раҳбарларнинг ишчи-ходимлар олдида ҳисобот бериш тизимини амалиётга жорий этиш мақсадида ҳар чоракда бир марта "Ишчи-ходимлар(Халқ)билан очиқ мулоқот"ларни ташкил этиш. | Йил давомида | Бошқарув раиси, КУҚ раиси, Директорлар, кадрлар бошқармаси, юридик бўлими, ишлаб чиқариш ва цех бошлиқлари | | | Барча раҳбарларнинг ишчи-ходимлар олдида ҳисобот бериш тизимини амалиётга жорий этиш орқали ишчи-ходимларнинг давлат ҳокимиятига ва корхона раҳбариятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш. |
| 2 | Ишчи-ходимлар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали механизмлари ва усулларини жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилган жадвал асосида корхона раҳбарлари иштирокида ишчи-ходимлар билан цехларга чиққан ҳолда учрашувларини ташкил этиш | Белгилан - ган график асосида | Бошқарув раиси, КУҚ раиси, Директорлар, кадрлар бошқармаси, юридик бўлими, ишлаб чиқариш ва цех бошлиқлари | | | Ишчи-ходимларнинг муаммолари ва фикрлари ўрганилади ва тезда ечим топишига эришилади. |
| 3 | Корхонада ташкил этилган "Ишчи-ходимлар (Халқ) қабулхонаси"га ишчи-ходимлардан тушган мурожаатлар | 2017 йил давомида | Юридик бўлими, корхона | | | Ишчи-ходимларнинг ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ижросини таъминлаш ва мунтазам назорат қилиб борилиши юзасидан мониторинг олиб боришни йўлга қўйиш | | девонхонаси | | | такомиллаштириш. |
| **II. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва молиявий-иқтисодий саводхонлигини ошириш, фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш тизимини шакллантириш, жамиятда ҳуқуқбузарликка тоқатсизликни кучайтириш, "Адолат – қонун устуворлигида" тамойилини жамият ҳаётида кенг қарор топтириш** | | | | | | |
| 4 | Янги ишлаб чиқилган Қонунлар, Қарорлар мазмун-моҳиятини ишчи-ходимларга содда ва халқчил тарзда тушунтириш мақсадида **"Ислоҳот инсон манфаатлари йўлида"** давра-суҳбатлари ташкил этиш | 2017 йил давомида | Матбоот ва миллий ғоя тарғиботи бюроси, "Камолат" ЁИҲ, Юридик бўлими, касаба уюшма қўмитаси | | | Ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда янги қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этишишига эришилади. |
| 5 | Фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, жамиятда ҳуқуқбузарликка тоқатсизликни кучайтириш, ёшларни янгича фикрлайдиган, Ватан тақдири учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир шахс қилиб тарбиялаш мақсадида **"Адолат – қонун устуворлигида"** мавзусида учрашувлар ташкил этиш | 2017 йил январь-декабрь | Матбоот ва миллий ғоя тарғиботи бюроси, "Камолат" ЁИҲ, Юридик бўлими, касаба уюшма қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ | - | - | Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалтиришига, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан миннатдорлик ва шукроналик ҳисси шакллантирилади. |
| 6 | Ишлаб-чиқариш ва цехларда "Маънавият соати" ўрнига унга ўхшаш "Ҳуқуқий саводхонлик соати", "Қонунга ҳурмат соати" каби тадбирларни ташкил этиш | Йил давомида | Матбоот ва миллий ғоя тарғиботи бюроси, | - | - | Ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошади. Мурожаатлар камаяди. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **III. Таълим, ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш тизимларини, шу жумладан оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада ривожлантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг иқтидорлари ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрнига эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш** | | | | | | |
| 7 | Буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллиги муносабати билан “Навоий асарларида инсон маънавиятини акс этиши” мавзусида тадбир ўтказиш | 2017 йил февраль | Матбоот ва миллий ғоя тарғиботи бюроси, "Камолат" ЁИҲ | | | Буюк мутафаккир, шоир Алишер Навоийнинг ўзбек тили ва адабиётига қўшган улкан ҳиссасини ёшлар ва кенг жамоатчилик орасида тарғиб этиш ва аҳолининг адабиётган қизиқишини орттирилишига эришилади. |
| 8 | Никоҳга кирувчи шахсларни ихтиёрий тиббий кўрикдан ўтиш билан қамраб олиш тизими сифати ва самарадорлигини қуйидаги йўллар билан ошириш:<br>эрта никоҳларнинг олдини олиш, яқин қариндошларининг никоҳга киришларининг оқибатларини тушунтириш бўйича ишлар олиб бориш;<br>ёш ишчи-ходимлар ўртасида никоҳга киришга қадар мажбурий тиббий кўрикдан ўтиш зарурлиги ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш;<br>оилаларда ва никоҳланувчи ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини киритиш, ирсий ва туғма касалликларни олдини олиш бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бориш | 2017 йил давомида | Тиббий санитария мажмуаси, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ | | | Никоҳга кирувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, саломатлик ва ижтимоий касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни соғломлаштириш. Соғлом оилани шакллантириш, соғлом бола туғилишини таъминлаш. |
| 9 | “Наврўз” умумхалқ байрами, “Кимёгарлар куни” касб байрами муносабати билан ишлаб чиқариш | 2017 йил март, май | Касаба уюшма қўмитаси, "Кимёгар" | Харажатлар сметаси | 5,0 | Ишчи-ходимлар соғлигини мустаҳкамлаш натижасида жамият да соғлом турмуш тарзи |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | цехлар ўртасида спартакиадалар ва спорт мусобақаларини ташкил этиш. | | уйингоҳи | га асосан | | тамойилларини мустаҳкамлаш. |
| **IV. Жамиятда ҳукм сураётган ўзаро хурмат ва бирдамлик вазиятини янада мустаҳкамлаш, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар яратиш, маҳалла институти, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, фахрийлар ташкилотларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш, мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш** | | | | | | |
| 10 | Тинчлик ва осойишталикни асраш, дўстлик ва хамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш муҳимлигини тушунтириш мақсадида **“Тинчлик - олий неъмат”** мавзусида кенг кўламли маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб бориш. | 2017 йил январь-декабрь | Матбоот ва миллий ғоя тарғиботи бюроси, "Камолат" ЁИХ | - | - | Ишчи-ходимлар, айниқса ёшлар онги ва қалбига дўстлик, биродарлик каби тушунчаларни, шунингдек, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, доимо огоҳ бўлиб яшаш туйғуси янада шакллантиришга эришилади. |
| 11 | Корхонада ишлайдиган илғор ишчи-ходимларга бепул йўлланмалар ажратиш. | 2016 йил давомида | Касаба уюшма қўмитаси | 2,0 | Касаба уюшма маблағи | Ишчи-ходимлар саломатлиги яхшиланади, меҳнат унумдорлиги ошади, илғор хотин-қизлар рағбатлантирилади. |
| 12 | Ишчи-ходимларини республикамизнинг қадимий зиёратгоҳларига (Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм) саёҳатларга олиб бориш ва улар ўртасида маънавий тадбирларни ўтказиш. | 2017 йил 2-3 чорак | Касаба уюшма қўмитаси, "Камолот" ЁИХ | 1,5 | | Ишчи-ходимларни маънавий дунёқарашини бойитиш |
| **VI. Оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан электрон ахборот воситаларининг ва Интернет тармоғининг имкониятларидан фаол фойдаланган ҳолда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг мақсадлари ва вазифалари ҳамда Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш** | | | | | | |
| 13 | Республика, ҳудудий ва "Навоийский химик" газетасида, "Навоиазот" АЖ нинг интернет | 2017 йил февраль | Матбоот ва миллий ғоя тарғиботи | | | “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” дастури доирасида фуқароларнинг |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | сайтида “2017-йил - Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” муносабати амалга оширилаётган ишларни ёритиб бориш. | | бюроси, 68 цех | | | мурожаатларини қондириш, ишчи-ходимлар муаммоларини бартараф этишда қилинаётган амалий ишлардан кенг равишда бохабар этиб борилиши таъминланади. |